

**ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ТАБИЙ ГАЗ ҲИСОБЛАШ УСКУНАЛАРИНИ
ЎРНАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА № 6-П**

“ 9 ” Март 2022 йил

Фаргона ш.

“Nyrli Fayz Qurilish” МЧЖ (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) низом асосида фаолият кўрсатувчи бошлиғи У.М.Мирзамахмудов бир тарафдан ва “Hududgaz Fargona” газ таъминоти филиали (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) низоми ва 2021 йил 7 декабрдаги №01-19-51/сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи директор в.в.б. У.Г.Касимов, иккинчи тарафдан “Буюртмачи” билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг E.xarid.uz электрон сайтида берилган 2022 йил 25 феврал кунги лот рақами № 34732 сонли конкурсга асосан белгиланган талаблар асосида шартнома туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Пудратчи” Фаргона вилоятининг туман/шаҳарларидаги (хонадон) маиший истеъмолчиларга **3000** дона электрон газ ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш хизматини кўрсатади (кейинги ўринларда объект деб юритилади) хонадонларга кирувчи газ тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш ишларини бажаради ва тўлиқ сифатли бажарилган ишлар “Буюртмачи” томонидан қабул қилинади.

1.2. “Пудратчи” норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ва мазкур шартноманинг шартларига асосан шартноманинг 1 ва 2-иловалари (газ таъминоти бўйича локал ресурслар сметалари ва йиғма жадвал) га мувофиқ, хонадонларда фойдаланилаётган эски мавжуд газ ҳисобдонларини ечиб олиш ва янги электрон газ ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш ишларини амалга оширади, “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га ишни бажариш учун шароит яратиб бериш, қабул қилиш, тўловларини амалга оширишни таъминлайди.

1.3. “Пудратчи” ушбу шартнома талабларига биноан “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган электрон газ ҳисоблаш ускуналарини қабул қилиб олиш ва тўлиқ сифатли ўрнатишни кафолатлайди.

1.4. “Пудратчи” томонидан электрон газ ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш ишлари фақат “Буюртмачи” талабига биноан, шартноманинг 1.1 бандида белгиланган ҳудудларга ўрнатилиши талаб этилади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар баҳоси, газ ҳисобдонини ўрнатиш намунавий лойиҳаси асосида (электрон газ ҳисоблагич ва шкафни нарҳисиз) объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш билан боғлиқ барча харажатларни инобатга олган ҳолда бир дона **G 4** ёки **G 6** маркали электрон газ ҳисоблаш ускуналари тизимини ўрнатиш ишлари ховли уйларга **160 000** (бир юз олтмиш минг) сўмдан **3000 (уч минг)** дона газ ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш қиймати ҚҚС билан **480 000 000 (Тўрт юз саксон миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. “Пудратчи” томонидан шартномада белгиланган бажарилган ишлар тўлови, бажарилган ишлар далолатномаси топширилгандан сўнг буюртмачи томонидан берилган материаллар қиймати чегирилган ҳолда амалга оширилади.

2.3. Газ ҳисоблагичларни ўрнатишга сарфланадиган Д-20 мм темир қувур микдори ушбу шартномага илова қилинган нарҳномада шартли равишда кўрсатилган бўлиб, темир қувурлар хақиқий сарфи бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномасига асосан аниқланади.

2.4. “Пудратчи” талабномасига асосан “Буюртмачи” омборидан газ ҳисоблагичлар ўрнатишга зарур товар-моддий бойликлар (ТМБ) филиалдан омбор нарҳида ҚҚС билан ҳисоб-варақ фактура орқали (олдиндан тўловсиз) берилади. Берилган товар-моддий бойликлар (ТМБ) суммаси “Пудратчи” ҳисобидан чегириб қолинади. Буюртмачи томонидан берилган материаллар қийматига пудратчининг бошқа харажатлари учун устама (15%) қўлланмайди.

Қўшимча келишув шартномаси асосида газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатиш учун зарур эҳтиёт қисмлар етказиб берилади.

2.5. Бажариладиган ишлар суммаси иш ҳажми, иш хақи ва материаллар нархидан келиб чикиб **“Буюртмачи”** ёки **“Пудратчи”**нинг таклифига кўра қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2.6. Тегишли асослар сабаб бўлганда қайд қилинган ўзгартириш ва қўшимчалар **“Буюртмачи”** ва **“Пудратчи”** ўртасида тузиладиган ёзма қўшимча келишувига асосан расмийлаштирилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. **“Пудратчи”**нинг ҳуқуқлари:

- а) шартномада кўзда тутилган бажарилган ишлар учун тўловларни талаб қилиш;
- б) электрон газ ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш мобайнида зарур бўлган шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш;
- в) шартномада белгиланган муддатларда ишлар ҳажми 3 ва 4-иловалар (молиялаштириш ва иш ҳажми графиклари)га асосан ўз кучи ёки ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб қилган ҳолда бажариш ва **“Буюртмачи”**га мазкур шартноманинг шартларига асосан топшириш;

“Пудратчи” ушбу шартномада ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин;

3.2. **“Пудратчи”**нинг мажбуриятлари:

а) **“Буюртмачи”** томонидан аванс тўловлари келиб тушган кундан бошлаб, ишларни **“Буюртмачи”** томонидан тақдим этилган электрон ҳисобдонни ўрнатиш схемасига асосан техник талаблар асосида сифатли материаллардан фойдаланилган ҳолда ўрнатишни бошлаши;

б) **“Буюртмачи”**ни пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома предмети, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

в) ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан зарур чора-тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

г) қурилиш-монтаж ишлари якунланганидан кейин 3 кун муддатда, **“Буюртмачи”** томонидан объектни газ хўжалигида мавжуд меъёрий ҳужжатлар асосида фойдаланиш учун қабул қилиш ишларини ташкил этиш;

д) **“Пудратчи”** ўзи ёки субпудратчилар томонидан объектни газ тармоқларига тайёр ҳолда улаш ишларида қўлланиладиган ўз ҳисобидан олинган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга, стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёхуд бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлаш;

е) объект топширилгандан сўнг 6 ойлик кафолат муддат ичида бажарилган ишлар бўйича аниқланган нуқсон ва камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этиш;

ж) **“Буюртмачи”** ҳисобидан сотиб олинган ва лойиҳада акс эттирилган ҳамда киёслаш кўригидан ўтказилган ҳисобга олиш приборини ўрнатиш;

“Пудратчи” ушбу шартнома мувофиқ хизмат кўрсатишда пайвандчи ва чилангарларини доимий равишда рўйхатдан, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномадан ўтказилишини билан таъминлайди.

“Пудратчи” ходимлари томонидан техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаганлиги ҳамда бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар бўйича **“Буюртмачи”** жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

з) **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”** томонидан тақдим этилган электрон газ ҳисоблаш ускуналар ва бошқа материалларни белгиланган тартиб асосида қабул қилиб олинганидан сўнг унинг сақланиши, сифати ҳамда техник талаблар асосида ўрнатиш учун жавобгардир.

“Пудратчи” ушбу шартномада ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

3.3. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари

а) мазкур шартномада белгиланган муддатларда “Пудратчи”дан объектни фойдаланишга топширилишини талаб қилиш ҳамда бажарилаётган ишлар сифатини назорат қилиш;

б) лойихага мос бажарилмаган нуқсонли ва камчиликларни бартараф қилишни “Пудратчи”дан талаб қилиш;

в) ўзини ҳисобидан бажарилган ишларни барча турлари билан танишиш ва ишларни сифати устидан техник назоратни амалга ошириш ёки техник аудитор ёллаш;

“Буюртмачи” ушбу шартномада ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.4. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари

а) мазкур шартномада назарда тутилган муддатларда “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

б) “Пудратчи”га ишларни бажариш учун зарур шароитларни яратиб бериш;

в) “Пудратчи”дан ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида қабул қилиб олиш ёки қабул қилмасликнинг асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда 10 кун ичида рад этиш хабарини юбориш;

“Буюртмачи” ушбу шартномада ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.1. Шартнома тарафлар ўртасида имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

4.2. Аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб “Пудратчи” ишни бажаришга киришади.

4.3. “Буюртмачи”га Пудратчи томонидан ўрнатилган газ ҳисоблагичлар бўйича ҳисоботни (илова қилинган шакллар асосида) кўрсатилган хизмат учун аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб кунлик топширилади.

5. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

5.1. “Буюртмачи” “Пудратчи”га шартномада кўрсатилган умумий ўрнатилиши лозим бўлган газ ҳисоблагичлар учун 15 фоиздан кам бўлмаган миқдориди аванс тўловини амалга оширади.

5.2. Ишларни бажариш муддатлари календарь куни билан белгиланади.

5.3. “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ўртасида жорий молиялаштириш бажарилган ишлар счет-фактурага асосан аванс тўловини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.4. “Буюртмачи” бажарилган ишлар қисми бўйича тўловни “Пудратчи”га 20 банк куни давомида тўлайди.

6. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

6.1. Тарафлар шартномани ўзгартириш ва бекор қилишни мазкур шартномада назарда тутилган ҳолларда ва амалдаги қонунчилик асосида амалга ошириши мумкин.

6.2. Мазкур шартномани ўзгартириш ва бекор қилишга қарор қилган тараф бу ҳақда қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориши шарт.

6.3. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қонун ҳужжатларига асосан йўл қўйилади.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарар миқдорини қоплайди;

7.2. Пудратчи томонидан шартномада белгиланган ишлар тўлиқ ва сифатли бажарилмаган ҳолларда, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдориди Буюртмачига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50% (фоиз) идан ошиб кетмаслиги лозим.

7.3. Агар кўрсатилган хизматлар ва фойдаланилган материаллар сифати, ассортименти бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарига (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ушбу шартномада белгиланган шартларига мос келмаса, **Буюртмачи** ишларни ёки хизматларни қабул қилмаслиги ва уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, **Пудратчидан** сифати бўлмаган ишлар ёки хизматлар қийматининг 20 % (фоизи) миқдоридан жарима ундириб олишга, агар ишлар ёки хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

7.4. Бажарилган ишлар ёки хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун **Буюртмачи** **Пудратчига** ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

7.5. Давлат назорати органлари томонидан тафтиш, текширув ва назорат ўтказилганда, бажарилган ишлар аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш “Пудратчи” томонидан амалаг оширилади (жорий таъмирлаш ишлари бундан мустасно).

8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

8.2. Содир бўлган форс-мажор ҳолатлари тўғрисида тарафлар бир-бирларини ушбу ҳолатлар юз берган ҳолда зудлик билан иккинчи тарафга ёзма хабар бериши шарт.

8.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини давомийлигини ҳисобга олиб шартномани амал қилиш муддатини узайтиришлари мумкин.

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Шартнома шартларини бажаришда, ўзгартиришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни тарафлар ўзаро ҳал этмаса, низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

9.2. Агар тарафлар ўртасида келишув шартларини амалга ошириш бўйича низо ёки келишмовчилик юзага келса, тарафлар уларни келишув тартибларини ўтказиш йўли билан даъво тартибида ҳал қиладилар.

9.3. Мазкур шартнома 2022 йил “31” декабрга қадар амал қилади.

9.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ҳолда 2 нусxada тузилади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

Буюртмачи:

«Худудгаз Фарғона» ГТФ

Манзили: Фарғона шаҳар
Б.Марғиноний кўчаси 76 уй.
х/р: 2021 0000 9052 7649 4001
МФО: 00494 СТИР: 207 325 454
АТБ “Узсаноатқурилиш банк”
Фарғона минтақавий филиали
Худудгаз Фарғона ГТФ

директори в.в.б.

(имзо)

Касимов Улуғбек Галипович

Пудратчи:

«Nurli Fayz» МЧЖ

Манзили: Фарғона вилояти
Бағдод тумани Навоий кўчаси 25 уй
х/р: 2020 8000 2005 7587 5001
МФО: 00794 СТИР: 303736394
АТБ Халқ Банк Бағдод филиали

Бошқарув

(имзо)

Мирзамахмудов Улуғбек Мирзанаби ўғли

